

2012 йил —
Мустақам оила йили

Томчилардан ирмоқлар, дарёлар, уммонлар пайдо бўлгани каби, оилалар жамлашуви миллат, халқ, Ватанни ташкил этади. Митти томчида улкан Кўёш акс этганидек, ҳар бир оилада жамият ҳам қай даражададир ўз инъикосини топади.

Қадимдан Шарқда, айниқса, ўзбек халқи турмуш тарзида бола тарбияси, унинг маънавияти шаклланишида оиланинг ўрни бекиёс бўлиб келган. Инсоннинг дунёга, жамиятга, атрофдakilарга муносабати, дунёқарашида ҳам оила улкан аҳамиятга эга бўлган дастлабки сабоқлар мактаби бўлиб қолаверади. Инчунун, жамият ва оиланинг уйғунлиги, мақсадлар муштарақлиги бизнинг бугунимиз ва эртанимизни белгилаб берадиган муҳим омилдир. Айнан шу сабабли ҳам оила масаласига бемалол инсонни ўрганиш, давлатнинг ёрқин бугуни ва буюк келажagini таъминлаш масаласи деб қараш мумкин.

Халқимиз доимо оилани эъзозлаб, таъбир жоиз бўлса, унга гард ҳам юктирмасликка ҳаракат қилиб келган. Юртбошимизнинг бу борадаги чуқур ҳикматли гапи ҳаммамизнинг дилимиз тўридаги туйғуларни ифода этади: "Ўзбек халқи ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндош-уруғлари ва яқин одамларининг, қўшниларининг эсон-омонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражадаги маънавий қадрият, инсон қалбининг ғамхўрлидир".



Миллий фаровонлик асоси

Оила — ҳар қандай одамга парвоз учун қанот берадиган муқаддас қўرғон.

Ислом Каримов

Ватан табиатнинг шоҳ амалларидан бири бўлган оиладан бошланади. Зеро, болаликда оила бағрида кўрилган-кечирилганлар, дастлабки таассурот ва хулосалар — буларнинг

барини ташкил қилган хат каби инсон қалби ва тафаккурида бир умрга муҳрланиб қолади. Шу маънода оила нафақат жамиятнинг кичик бир ячейкаси, балки таълим-тарбия маскани ҳамдир.

Ота-онанинг фарзандлар олдидаги бурчи хусусида шарҳ педагогикасининг ноёб асарларидан бири — Кайковуснинг "Қобуснома"сида шундай дейилади: "Фарзандга адаб, хунар ўргатмакни мерос деб билгил... Оталик шартин бажо келтургилки, фарзандинг вужудга келгондагидек тириклик қилсин, яъни ҳар одамки вужудга келур ва шу кундин эътиборан хулқи ва табиати унга ҳамроҳ бўлур, аммо ул ожизлик ва беқувватликдин уни намоен қила олмағусидир. Катта бўлгон сайин жисми ва

руҳи қувват топар ва барча руҳи (фелъ-атвори) ривожланадур, камолга етгондин сўнг тамоми яхшилик ва ёмонлигини зоҳир қилур. Лекин сен адаб, хунар ва донишни фарзандинга ўзингдин мерос қилгил, токи унинг ҳаққин бажо келтурмуш бўлғайсан".

Давоми 3-бетда ➤

Демократик ислохотларни чуқурлаштиришда

сиёсий партиялар фаолиятининг конституциявий кафолатлари

Талаб ва масъулият

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда аҳоли турли қатламларининг мақсад ва манфаатларини ифодаловчи жамоат ташкилотлари қаторида сиёсий партиялар муҳим ўрин тутаяди. Сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини, феолигини ошириш орқали уларнинг давлат сиёсатини ташкил этиш ва бошқаришдаги иштирокини таъминлаш мақсадида давлат ва жамият ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўтади. Бу орқали сиёсий партиялар халқнинг давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи бўлишига кўмаклашадилар, ижтимоий ҳаётнинг сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланишига ҳисса қўшади, энг муҳими, фуқароларнинг жамият ва давлат бошқарувида бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этишдек конституциявий ҳуқуқларининг амалга оширишда муҳим сиёсий восита бўлиб хизмат қилади.

Бинобарин, Конституцияимизнинг 60-моддасида "Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар..." деб белгиланган.

Ҳозирги вақтда республика-мизда мақсад-вазифалари нуқ-таи назаридан ўз сиёсий қараш-ларига, электоратига эга бўлган турта сиёсий партия мамлакатимиз микёсида амалга ошири-лаётган сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси сифатида ўзига хос дастурлари асосида муайян даражада иштирок этиб келмоқда.

Кейинги йилларда мамлакатимиз парламенти тизимида амалга оширилган ислохотлар сиёсий партиялар фаолиятининг янада кенгроқ намоён бўлиши-га, партияларнинг жамият ҳаёти-ни тизимида ўз ўрнига эга бўлиш борасидаги интилишини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Айниқса, икки палатали парла-мент тизими жорий этилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қуйи палатаси доимий асосда про-фессинал фаолият кўрсатадиган бўлди. Кўппартиявийлик ти-зимига асосланган бугунги парла-ментимиз томонидан қабул қилинаётган қонунларнинг фрак-циялар томонидан билдирила-ётган хилма-хил фикрлар ва ёндошувлар асосида такомил-лашаётгани халқ манфаатлари-ни комплекс равишда ифода-лашга қаратилган.

Таъкидлаш лозимки, ҳар қан-дай давлатда сиёсий партия-ларсиз вакиллик демократия-

сини тасаввур қилиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан, изчиллик билан ривожланиб бораётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислохотлар жараёнида сиёсий партияларнинг ролини ошириш масаласига ҳам катта аҳамият бериб келинмоқда, уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлардаги ўрни ва масъулияти юксалиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида қабул қилинган, халқро андозаларга жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган ҳуқуқий асослар би-ринчидан, ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги билан бир қаторда, мамлакат-да ижтимоий ҳаёт сиёсий ин-ститутлар, мафкуралар ва фикр-ларнинг хилма-хиллиги асоси-да ривожланишини белгилаб берди; иккинчидан, сиёсий партияларнинг кенг кўламда иж-тимоий-сиёсий фаолият юрти-шини таъминлади; учинчидан, уларнинг жамиятимиздаги ўрни, нуфузи ва мавқени, ваколат-ларини янада кенгайтириш ва фаолиятининг самарасини оши-риш борасида янги имконият-лар очиб берди.

Давоми 3-бетда ➤

Ҳали мустақиллик эълон қилинмасидан бурун, республикаимизга раҳбарлик қила бошлаган дастлабки кунлардан Президентимиз Ислом Каримов фан оламига кириб келаётган ёшларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатди. "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" номли китобида Юртбошимизнинг 1989 йилнинг 28 ноябрида Фанлар Академиясида қилган "Илм-фан имкониятларидан тўлароқ фойдаланайлик" номли маърузаси ўрин олгани ҳам бу фикримизни тасдиқлаб турибди.

Президентимизнинг "Биз яшаётган XXI аср — интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва халқ учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса, бундай давлат жа-ҳон тараққиёти йиллари четда қолиб кетиши муқаррар", деган пурҳикмат гаплари биз илм аҳли фаолиятида дасту-риламал вазифасини ўтамоқда.

Тафаккур сарчашмаси

Ёш олимларнинг мустақиллик йилларидаги илмий-амалий тадқиқотлари ва яқин истиқбол режалари

Интеллектуал бойлик — маънавий салоҳият ҳосиласи

Ҳаммамизга маълумки, республикаимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири Ватанимиз илм-фанини тараққий эттириш ташкил этади. Бу соҳани янада ри-

вожлантиришни эса ёш олимларсиз, иқтидорли мутахассисларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Уларнинг сафи олий ўқув юр-тларини битириб келаётган салоҳиятли магистр ва бакалаврлар ҳисобига йилдан-йилга ортиб бораётгани кишини қувонтиради, албатта.

Давоми 3-бетда ➤

Сайловчилар манфаатлари депутатлар эътиборида

ёхуд уларни мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий вазият билан таништириб бориш, сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишда кўмаклашиш бирламчи вазифадир

Поёнига етаётган жорий 2011 йилда мамлакатимиз ўз мустақиллигининг 20 йиллигини нишонлади. Ўтаётган йилни республикаимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўзгаришлар йили бўлди, дейиш мумкин. Зеро, жорий йилда 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида муҳтарам Президентимиз томонидан тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да белгилаб берилган устувор вазифалар ижросига ўтилди ва амалда демократик ислохотларнинг янги босқичига қадам қўйилди. Бу, айниқса, Парламент томонидан қабул қилинган қонунлар мисолида ўз ифодасини топди.

Ислохотларнинг навбатдаги босқичида сиёсий партияларга катта ишонч билдирилиб, уларнинг ваколатлари кенгайтирилгани сиёсий партиялардан сайланган депутатлар зиммасидаги масъулият ва вазифалар кўламини янада оширди. Олий Мажлис Қонунчи-лик палатасига Ўзбекистон "Адолат" СДПдан сайланган депутатларнинг 8-14 декабрь кунлари ўзлари сайланган округларда бўлиб сайловчилар билан ўтказган учрашувлари ҳам ўтган даврда сайловчилар манфаати йўлида бажарилган ишлар сарҳисобини қилиш ҳқмда галдаги бажарилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб олиш имконини берганлиги билан аҳамиятли бўлди. Учрашувлар давомида мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислохотларни чуқурлаштириш ва бу йўналишда қабул қилинаётган қонунларни такомиллаштириш, фуқаролар мувожаотларига эътибор қаратиш каби масалалар депутатлар диққат эътиборида бўлди.

Давоми 2-бетда ➤

Ваколат етарли, ташаббускорлик қобилияти-чи?

ёки партия Кенгашларида сиёсий мудороқлик ва хотиржамлик ўрнини ишчанлик, жонқуярлик эгаллаб бораётгани ҳақида

Партиянинг Ургут туман Кенгашида депутат Мадина Баротованинг ҳисоботи эшитилгани янги, амалий ишларга туртки берди. Хусусан, депутатлик назорати касаначиликни ривожлантиришдаги суствашиқларни бартараф этишга қаратилиб, шу асосда қисқа вақт ичи-да 40 та оилага шундай фаолият билан шуғул-ланиш имконияти яратилди ва 40 нафар ка-саначига меҳнат дафтарчаси очилди.



2-бет

Миллий фаровонлик асоси


Мана шундай эзгу сазй-ҳаракатларнинг бир кўриниши сифатида, 2012 йил — юртимизда "Мустақам оила йили" дея эълон қилинди. Президентимиз таъбири билан айтганда, "Азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оила-ни ҳаётимиз таянчи ва сунъичи, жамиятимиз-нинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда кат-та маъно-моҳият мужассам. Чунки оила со-лом экан — жамият мустақам, жамият мус-тақам экан — мамлакат барқарор".



1-3-бет

«Шўртаннефтьгаз» УШК: қўрли, оловли йўллар

«Шўртаннефтьгаз» УШКнинг камолоти ва унинг йиллар оша эришаётган ютуқлари зами-рида унинг катта-кичик жамоаларида сидқи-дилдан тер тўкаётган юзлаб, минглаб инсонлар меҳнати ётибди. Тақор бўлса-да, таъкидлаш лозим, бу муваффақиятларда юқорида келти-рилганидек, давлатимиз раҳбари таърифи би-лан айтганда «ҳаёт синонларида тобланган, ба-ғри кенг, мард ва ориятли халқ» вакиллари-нинг чинакам заҳматли хизмати мустақобдир.



4-бет

Партия ҳаёти

Сайловчилар манфаатлари депутатлар эътиборида

ёхуд уларни мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий вазият билан таништириб бориш, сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, муаммоларини ўрганиш ва ҳал этишда кўмаклашиш бирламчи вазифадир

Давоми. Боши 1-бетда

Самарқанд туманидаги Машиш хизмат касб-хунар коллежида 60-Самарқанд сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутат А.Аҳадовнинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди. Партия фаоллари, аъзолар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этган учрашувда Президентимиз ташаббуси билан юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эттинчи ялпи мажлисида кўриб чиқилган масалалар, қабул қилинаётган қонунлар, фармон ва қарорлар ҳамда уларнинг мазмун-моҳияти хусусида атрафлича сўз юритилди.

— Жорий йилда инсон ҳуқуқи ва манфаатларини тўла-тўқисифода этуви, халқ фаровонлигига қизиб килуви кўнраб қонунлар қабул қилинди, — деди А.Аҳадов. — Жумладан, «Баркамол авлод йили» давлат Дастурига мувофиқ «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг фуқаролар, энг аввало, ёшларнинг саломатлигига зарарли таъсирини камайтириш мақсадида шу турдаги маҳсулотларнинг тарқатилиши ва истеъмол қилинишини халқаро ҳуқуқий нормаларга мос тарзда чеклашдан иборат. Қонуннинг қабул қилиниши алкоголь ва тамаки маҳсулотини истеъмол қилиш билан боғлиқ касаллаш ҳамда шу туфайли юз берган бундан улим ҳолатларининг қисқартирилишига ёрдам беради.

Тадбир давомида депутат А.Аҳадов фуқаролардан тўшган муносабатлар, уларнинг ўрганилиши ва маҳаллий давлат ҳокимиятлари билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда

кўриб чиқилиши хусусида маълумот берди.

Кизгин савол-жавобларга бой бўлган шу каби учрашувлар Самарқанд туман тиббиёт бирлашмаси, тумандаги «Боғибаланд» қишлоқ фуқаролар йиғинларида ҳам ўтказилди.

58-Пастдарғом сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутат Х.Мамаатовнинг туман ҳокимлиги мажлислар залида ташкил этилган сайловчилар билан учрашуви ҳам мазмунли ўтди. Унда, энг аввало, Юртбошимиз илгари сурган Концепцияга асосан жорий йилда қабул қилинган янги қонунлар ва уларнинг мазмун-моҳияти очиб берилган ҳолда фуқароларнинг муносабатлари ва жойлардаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилган депутатлик сўрови хусусида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Учрашув давомида Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» номи асарининг мазмун-моҳияти хусусида тўхталар экан, Х.Мамаатов мазкур асар юртовдошларимизни истиқлол ва у берган имкониятлар моҳиятини янада теран англашга, амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик туйғусини кучайтиришга хизмат қилишини ҳамда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга катта аҳамиятга эга эканлигини эътироф этди. Бу каби учрашувлар Пастдарғом туман тиббиёт бирлашмаси, Пастдарғом ижтимоий-иқтисодиёт ва сервис касб-хунар коллежида ҳам бўлиб ўтди.

21-Бухоро сайлов округидан сайланган Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Қ.Жўраев сайловчилар билан учрашувларини Бош Қомусимиз ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинган кун муносабати билан миллий кураш бўйича Шофиркон туман ҳокими соврини учун ўтказилган мусобақаларда иштирок этиш билан бошлади. Ту-

мандаги педагогика коллежида бўлиб ўтган кураш мусобақаларида Бухоро вилояти туманларидан ва қўшни Навоий вилоятидан келган полвонлар ўзаро куч синашдилар. Депутат Қ.Жўраев мусобақа якунида сўзга чиқиб, голиб чиққан 15 нафарга яқин полвонларга Ўзбекистон «Адолат» СДП Шофиркон туман Кенгаши томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғаларни топширди.

Бухоро туризм коллежида бўлиб ўтган учрашувда депутат Қ.Жўраев Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасида илгари сурган Концепцияга асосан жорий йилда қабул қилинган янги қонунлар ва уларнинг мазмун-моҳияти очиб берилган ҳолда фуқароларнинг муносабатлари ва жойлардаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилган депутатлик сўрови хусусида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Учрашув давомида Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида» номи асарининг мазмун-моҳияти хусусида тўхталар экан, Х.Мамаатов мазкур асар юртовдошларимизни истиқлол ва у берган имкониятлар моҳиятини янада теран англашга, амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик туйғусини кучайтиришга хизмат қилишини ҳамда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга катта аҳамиятга эга эканлигини эътироф этди. Бу каби учрашувлар Пастдарғом туман тиббиёт бирлашмаси, Пастдарғом ижтимоий-иқтисодиёт ва сервис касб-хунар коллежида ҳам бўлиб ўтди.

21-Бухоро сайлов округидан сайланган Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Қ.Жўраев сайловчилар билан учрашувларини Бош Қомусимиз ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинган кун муносабати билан миллий кураш бўйича Шофиркон туман ҳокими соврини учун ўтказилган мусобақаларда иштирок этиш билан бошлади. Ту-

жомаатчилик назоратини ўрнатилган фикр-мулоҳазалар билдирилиб, сайловчиларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

Қарши давлат педагогика университети қошидаги 2-сонли академик лицейда 112-Қарши сайлов округидан сайланган депутат С.Турсуновнинг сайловчилар билан ўтказган учрашуви ҳам кизгин ва савол-жавобларга бой тарзда ўтди. Учрашув давомида депутат йиғилганларга давлатимиз раҳбари томонидан Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, қабул қилинаётган янги қонун лойиҳалари ҳамда бу борада Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг фаолияти ху-

шунингдек, С.Турсунов Қарши шаҳридаги бир қатор маҳаллаларда ҳам бўлиб сайловчиларга бугунги кунда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ва уларнинг самаралари, жумладан, замонавий тиббиёт масканлари, қишлоқ врачлик пунктларининг барпо этилаётганлиги, аҳоли саломатлигини таъминлашга янгича ёндашув ҳолатлари ва бу борада амалга оширилаётган масалаларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати А.Раҳмонов ўзи сайланган 37-Хатирчи сайлов округи сайловчилари орасида бўлиб, Хатирчи туман ҳокимлигида, туман тиббиёт бирлашмасида, тумандаги 20-, 33-, 7-сонли умумтаълим мактабларида, Хатирчи агросервис колле-

жисда, Янгиработ қишлоқ фуқаролар йиғинида ташкил этилган учрашувларда иштирок этди.

Учрашувларда А.Раҳмонов 2011 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳамда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш Дастури доирасида жорий йилнинг ўтган даврида эришилган ютуқлар хусусида сўз юритди. Учрашувлар давомида «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида ишга туширилган қорхонадан томонидан жорий йилнинг 9 ойида умумий қиймати 23,3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилганли-

ги, аҳолини қишда ҳам озиқ-овқат ва полиз маҳсулотлари билан таъминлаш имконини яратиш берган иссиқхоналар ва шу йўсинда яратилаётган янги иш ўринлари ҳақидаги маълумотлар хатирчилик сайловчиларни янада тўлқинлантириб юборди.

Сайловчилар Хатирчи туманида олиб борилаётган қурилиш-бунёдкорлик ишларидан мамнулигини билдиришиб, буларнинг барчаси Мустақиллик шарафати туфайли эканлигини алоҳида таъкидлашди.

Учрашувлар «Давлат мадҳияси» — фахр ва ифтихоримиз рамзи», «10 декабрь — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинган кун» каби маънавий-маърифий тадбирларга улашиб кетди.

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Г.Гуллаев 107-Гуллаев сайлов округидан сайланган У.Жуманиёзов Урганч туманидаги Иқтисодиёт касб-хунар коллежи, тумандаги «Чотқўпир» қишлоғи Қурилиш касб-хунар коллежи, Гуллаев туман тиббиёт бирлашмаси, тумандаги 42-сонли умумтаълим мактаби, Янгибозор туман Санот касб-хунар коллежларида сайловчилар билан учрашувларда иштирок этди.

Учрашувларда ижтимоий масалаларга алоҳида эътибор қаратилди, жумладан, аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари ташкил этишда ҳар бир ҳудуддаги меҳнатга лаёқатли кишиларнинг тақлиф ва истақлари ўрганилиб, тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилинаётганлиги, ёшларнинг турли касблар бўйича билим, тажрибаларини ошириш, коммунал хизматлар сифатини яхшилаш каби масалалар муҳокама марказида бўлди. Сайловчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш борабариде жойлардаги муаммоларни ҳал этиш юзасидан ўз тақлиф ва мулоҳазаларини ҳам билдирилди.

Учрашувларда ижтимоий масалаларга алоҳида эътибор қаратилди, жумладан, аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари ташкил этишда ҳар бир ҳудуддаги меҳнатга лаёқатли кишиларнинг тақлиф ва истақлари ўрганилиб, тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилинаётганлиги, ёшларнинг турли касблар бўйича билим, тажрибаларини ошириш, коммунал хизматлар сифатини яхшилаш каби масалалар муҳокама марказида бўлди. Сайловчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш борабариде жойлардаги муаммоларни ҳал этиш юзасидан ўз тақлиф ва мулоҳазаларини ҳам билдирилди.

Учрашувларда ижтимоий масалаларга алоҳида эътибор қаратилди, жумладан, аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари ташкил этишда ҳар бир ҳудуддаги меҳнатга лаёқатли кишиларнинг тақлиф ва истақлари ўрганилиб, тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилинаётганлиги, ёшларнинг турли касблар бўйича билим, тажрибаларини ошириш, коммунал хизматлар сифатини яхшилаш каби масалалар муҳокама марказида бўлди. Сайловчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш борабариде жойлардаги муаммоларни ҳал этиш юзасидан ўз тақлиф ва мулоҳазаларини ҳам билдирилди.

Учрашувларда ижтимоий масалаларга алоҳида эътибор қаратилди, жумладан, аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари ташкил этишда ҳар бир ҳудуддаги меҳнатга лаёқатли кишиларнинг тақлиф ва истақлари ўрганилиб, тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилинаётганлиги, ёшларнинг турли касблар бўйича билим, тажрибаларини ошириш, коммунал хизматлар сифатини яхшилаш каби масалалар муҳокама марказида бўлди. Сайловчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш борабариде жойлардаги муаммоларни ҳал этиш юзасидан ўз тақлиф ва мулоҳазаларини ҳам билдирилди.

Илёс САХАТОВ, «Adolat» мухбири.

«Конституциямиз — бахтимиз пойдевори»

Давоми. Боши 1-бетда

Тадбирни кириш сўзи билан очиб берган Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари, Тошкент давлат аграр университети ректори, профессор Шерали Нурматов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг халқимиз ҳаётида тугган ўрни бекиёс эканини, унда қабулланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳар бир шахсининг жамият ҳаётидаги тўлақонли иштирокини таъминлашга, барча имконият ва салоҳиятини юзага чиқариб, ўзлигини намоён этишга мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилишини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси Исмоил Саифназаров тараққиётимизнинг кафолати бўлган Асосий Қонунимиз Ўзбекистон дера атланиш заминда яшаётган барча фуқаролар учун эмин-эркин яшаш, жўшиб меҳнат қилиш, ижод этиш, умуман, табарруқ инсон сифатида ўзлигини, салоҳиятини намоён этиш учун барча ҳуқуқий шарт-шароитларни яратгани билан барчамиз учун бирдек кадрли эканлигига тўхтади.

Давра сўхбатиде сўзга чиққан бошқа нотиқлар ҳам Конституция ҳар бир давлатнинг муҳим ва асосий ҳужжати эканлигини таъкидлаб, Бош Қомусимиз ўзининг ҳуқуқий жиҳатдан мукамиллиги, Халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёриларига мувофиқлиги ва миллий давлатчилик бошқарувининг бой тажрибаларига асосланганлиги билан қимматли бўлиб, юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда ҳуқуқий кафолат эканлигини алоҳида қайд этдилар. Таъкидлаш керакки, партия томонидан илгари сурилаётган қоялар рўёби ҳам ҳар жиҳатдан Бош Қомусимизга боғлиқ бўлиб, Конституциямиз ҳар бир шахсининг яшаш, ўқиш, ишлаш, эркин ижод қилиш, илмий ихтиролар яратиш эркинлиги ҳуқуқларини таъминлайди. Шу нуқтаи-назардан, Ўзбекистон «Адолат» СДП ана шундай конституциявий ҳуқуқ ва кафолатлардан унумли фойдаланаётган фуқаролар — электорат вакиллари — таъабубдорлик билан қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Давра сўхбати якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоблар олдилар.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Ваколат етарли, ташаббускорлик қобилияти-чи?

ёки партия Кенгашларида сиёсий мудроқлик ва хотиржамлик ўрнини ишчанлик, жонқуярлик эгаллаб бораётгани ҳақида

«Адолат» СДП: танқид ва таҳлил

Бугун сиёсий мулоқотлар манзили сифатида танлаб олинган маҳалла-гузарларга, меҳнат жамоаларига «Адолат» СДПнинг Самарқанд вилояти Кенгаши ва СамДўнинг сиёсатшунослик кафедраси профессор-ўқитувчилари биргаликда ташриф буюраётганликларини тез-тез кузатиш мумкин. Партия Кенгашининг университет сиёсатшунослик кафедраси билан яқин ҳамкорлик ўрнатганлиги фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг устувор вазифаларини аҳоли ўртасида янада кенгрок тарғиб этиш борабариде партиявий ишлар самардорлигини оширишга, ҳудудлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг илмий асосланган, мақбул ечимларини излаб топишга хизмат қилмоқда.

Партиянинг вилоят Кенгаши ҳозирги партиялараро сиёсий рақобат шароитида фаолиятга танқидий ёндашиб, шу чоққача йўл қўйилган хато-камчиликлардан тегишли хулосалар чиқаришга ва ишда жиддий бурилиш ясашга интилаётганлиги эътиборга лойиқ албатта. Демакки, сиёсий мудроқлик, хотиржамлик ўрнини ишчанлик ва ҳозиржавоблик эгаллаб бормоқда. Самарқанд давлат университети ва Меъморчилик-қурилиш институти қошида партиянинг бошланғич ташкилотлари тузилганлиги, вилоятда фаолият қўриётган ННПларнинг 13 таси билан ижтимоий шериклик шартномаси имзолангани «Адолат» СДПнинг электорат манфаатини ёқлаш йўлида куч-имкониятларни бирлаштиришга, ҳамкорлар сифатини кенгайтиришга қатъий қарор қилганлигини кўрсатиб турибди.

— Буларгина эмас, сиёсий-ташвилий ишларга назар солиш асносида депутатлар корпуси фаолиятини тубдан яхшилаш ва уларнинг партия Кенгашлари

олдида ҳисоботларини мунтазам эшитиш зарурилиги ҳақида аниқ тўхтамга келдик, — дейди вилоят партия Кенгаши раиси Маҳмуд Бобоев. — Чунки, партия номидан иш юритаётган, унинг дастурий қояларини амалга оширишга масъул бўлган депутатлар кўп ишларга қодир. Афсуски, уларнинг айримлари ҳанузгача ўзларини ижро ҳокимияти вакиллари деб билишаётгани ва ҳатто партия аъзоси эканликларини айтишга иминишаётгани бизни лоқайд қолдириб қўймайди. Партиявий ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш учун бугун бизга сиёсий билим ва тажриба етарли, жонқуяр партия ходимлари ҳамда кучли депутатлар корпуси керак. Уларнинг савий-харакатларини ягона мақсадга йўналтириш — вилоят, шаҳар, туман партия Кенгашларининг долзарб вазифаси бўлмоғи шарт...

Дарвоқе, аниқ сиёсий вазифалар қўйилган, партиявий назорат ва ижро интизоми амал қилган жойда ижобий натижа-



лар ўзини куттириб қўймаслиги, депутатлар фаолиятида жонлиниш пайдо бўлишига аниқ. Масалан, «Адолат» СДПнинг Самарқанд шаҳар ва Ургут туманлари Кенгашлари ҳамда уларнинг ўз депутатлик корпуси билан алоқалари хусусида шундай дейиш мумкин.

Яқинда партиянинг Самарқанд шаҳар Кенгашига ҳисобот учун бирийўла икки нафар депутат — «Адолат» СДП аъзолари Хуршид Нуриллаев ва Аъзам Исоқов тақлиф этилди. Муҳокама жараёнида депутатлар фаолияти танқидий баҳоланди, тегишли йўл-йўриқлар берилгани ўз таъсирини кўрсатди. Чунки, орадан кўп ўтмай депутат Аъзам Исоқов шаҳар Кенгаши сессияси муҳокамасига киришти учун тақлиф тайёрлаб, уни аввало ўз партия Кенгашида ўрганиб чиқиш учун тақдим этди. У депутатлик ваколатидан

фойдаланиб, Самарқанд шаҳридаги кичик тадбиркорлик субъектларида иш бевуви ва ишловчилар муносабатларини ҳуқуқий мажбуриятлар доирасига солишдаги хато-камчиликларни жиддий таҳлил этди. Маълум бўлишича, юздан ортук шундай хўжалик субъектида ҳеч қандай меҳнат шартномасисиз, бирор-бир ижтимоий кафолатларсиз яширинча ёлланма тарзда ишлаётганлар бор экан. Маъмурият улар меҳнатига ўз биланларига ҳақ тўлаб, боз устига ишлаб чиқаришда хавфсизлик қондаларига амал қилинмаган. Демак, масалани сессия муҳокамасига киритиш — иш бевувиларнинг қонун талабларидан четга чиқмасликларини назорат қилиш билан биринчи муносабатларида ижтимоий адолатни қарор топтиришга ёрдам бериши турган гап.

Партиянинг Ургут туман Кенгашида депутат Мадина Баротваннинг ҳисоботи эшитилгани янги, амалий ишларга туртки берди. Хусусан, депутатлик назорати касаначиликни ривожлантиришдаги сусткашликларни бартараф этишга қаратилиб, шу асосда қисқа вақт ичида 40 та оилага шундай фаолият билан шуғулланиш имконияти яратилди ва 40 нафар касаначилик меҳнат дафтарчаси очилди.

— Кимдир ташаббус билан чиқишини кутиб туришимиз шарт эмас, — дейди партиянинг Булунғур туман Кенгаши раиси Нажмиддин Боймуродов. — Янгича шароитда ишлаб, халққа ва оиласига наф келтиришни истаганлар биздан андоза олишсин.

Ҳа, булунғурлик партия фаоли ўз оила аъзолари, ўғил-қизлари билан ҳамкорликда йилга 200 тонна пархез гўшти етиштирадиган паррандачилик қорхонасига асос солди. Партиянинг инновацион технологияларни қўллаш гоёсидан келиб чиққан ҳолда парранда боқиб учун мутлақо янги замонавий компьютерлашган ускуналар излаб топишга муваффақ бўлди. Бугун унинг бу ташаббусидан ўрнак олишга интилаётган тадбиркорлар Булунғурда кўпчилики ташкил этмоқда.

— Электорат партия томонидан илгари сураётган гоёлар моҳиятини яқиндан таништиришга, шу орқали уларда амалий ишларга зарур кўникмалар пайдо қилишга интиляемиз, — дейди «Адолат» СДПнинг Самарқанд туман Кенгаши раиси Зухра Қуддусова. — Ана шундай мулоқотлар жараёнида партиянинг ва у илгари сураётган асосли тақлифларнинг тарафдорлари кўпаймоқда. Жумладан, тоғ ёнбағридаги паст-баланд

ерларда 527 гектарлик мевазор боғ яратган ва дарахларини томчилаштириб сугориш технологияси афзалликларини намоён этолган «Оҳалик олтин боғлари» фермер хўжалиги раҳбари Дилшод Салимов ана шундай сиёсий масаладошларимиздан бўлди. Ҳозир мазкур фермер хўжалигида бошланғич партия ташкилоти тузилди. Бўлғуси сайловларда депутатликка номзодлар захирасини аниқ шундай изланувчан, ташаббускор кишилар ҳисобидан шакллантиришни режалаштириб турибмиз.

«Адолат» СДП аъзоси, халқ депутатлари Пастдарғом туман Кенгаши депутати Зебо Тўраевнинг фикрича, ёшлар сиёсати партия фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида эътироф этилишининг ўзи билангина қиёфаланган камлик қилади. Ёшлар қобилиятини рўёбга чиқаришга, уларни жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг фаол иштирокчиларига айланишларига кўмаклашиш лозим. Афсуски, айни шу масалада партия ёшлар қанотининг вилоят ва туман доирасидаги мавжуд имкониятлари ҳали тўла намоён этилганча йўқ.

— Биз, масалан, туман таълим масканларида спорт иншоотларини қуришда сертификатлаштириш талабларидан четга чиқилганини аниқладик ва муаммони тегишли доирада ҳал этишга муваффақ бўлдик, — дейди З.Тўраева. — Лекин ёшлар муаммоси фақат спорт иншоотларини такомиллаштиришдангина иборат эмас. Партиянинг ёшлар қаноти зийраклик билан илға олиш мумкин бўлган ва жамоатчилик назоратини талаб қилаётган камчиликлар ҳам учраб туради...

Демакки, шу каби танқидий фикрлардан келиб чиққан ҳолда

партиянинг вилоят Кенгаши ёшлар сиёсатини янада қўллаб-қувватлаш чораларини ишга солимоқда. Сўнгги кезларда вилоятнинг Жомбой, Пахтачи, Пастдарғом туманларида партия Кенгашлари ёш кадрлар билан мустаҳкамланди. Уларда ёшларни бирлаштирган 32 та янги бошланғич партия ташкилоти тузилди. Чунончи, Самарқанд вилоят Кенгаши депутати, «Адолат» СДП аъзоси Камол Абдуллаев раҳбарлик қилаётган «Сам Антепегил» қўшма қорхонаси қошида шундай БПТ юзага келгани ва у 50 нафар партия аъзосини ўзида бирлаштира олгани жамоа учун янги-янги ташаббусларга йўл очмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Самарқандда партиялараро соғлом рақобат, сиёсий курашчанлик муҳити эндиликда ижобий томонга ўзгариб бормоқда. Давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари фаолиятида ошқоралик ва шаффоқликни таъминлаш мунтазам тус олмақда. Самарқанд телевидениеси орқали аввал вилоят ҳокими, сўнгра шаҳар ҳокими фуқаролар билан бевосита мулоқот ўтказишгани, коммунал хизмат ва ижтимоий соҳаларга оид кўпдан-кўп саволлар жавобсиз қолдирилмагани бунинг ёркин исботидир. Зеро, бугунги кунда сиёсий партиялар, шу жумладан, «Адолат» СДП ҳамда ижро ҳокимиятидаги партия вакиллари, депутатлар бундай очик-ошқор мулоқотларга янада кенгрок киришилган, жамоатчилик фикрини қўллаб-қувватлаш асосида янги-янги ташаббусларга йўл очилгани талаб этилмоқда.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ, «Adolat» мухбири.

Миллий фаровонлик асоси

Давоми. Боши 1-бетда

Ўз навбатида фарзандларнинг ота-она олдидagi бурчи хусусида эса ҳали ҳеч ким ҳазрат Алишер Навоийдан ортириброк айтолмаган бўлса керак: **Бошни фидо айла ато қошига, Жисми қил садқа ано бошига...**

Оила — инсон руҳиятининг, маънавиятининг пойдеворини қўйғувчи гўша. Ҳар бир оилада камол топаётган фарзанд аслини олганда Шахс, Комил Инсон. Демак гап фақат тарбияда, таълимда. Жунроқ ифодага бўлса, оилавий муҳитда. Демак, оиланинг бош вазифи нафақат авлодлар давомилигини таъминлашда, балки маънавияти юксак, соғлом, элим деб, юртим деб ёниб-қуйиб яшайдиган фидойи фуқарони тарбиялаб беришда намоён бўлади.

Бугун дунё тараққиётнинг "ўзбек модели" хусусида гапирмоқда. Шубҳасиз, бу жараёнда ривожланишининг бошқа халқларга хос бўлган моделларини ўрганиш, таҳлил этиш фақат наф келтиради. Жумладан, ўтган юз йилликнинг охиридаги келиб, чорак аср мобайнида Жанубий Корея иқтисодида улкан юксалиш содир бўлган. Мутахассислар тараққиётнинг "корейсча модели" замирида шарқона меҳнатқашлик, сабр-тоқат, қаноат, интизом, оилада ота-она ибрати, билим олишга чанқоқлик, бировнинг ҳақидан ҳазар қилиш ва эртанги кунга қатъий ишонч ётганини эътироф этишди. Бу борада халқларимиз менталитети ўртасидаги яқинлик шундай кўзга ташланиб турибди. Айниқса, ота-оналарга, ёши катталарга ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш масаласида. Жанубий Корея президенти Ли Мён Бак ўзининг "Мўъжиза содир бўлмайди" деб номланган китобида оила мавзусига алоҳида тўхталиб ўтиши беҳиз эмас: **"Ота-она ва болалар ўзаро сўбатлашмайдиган оила бахтсиздир. Болалар кулук солмайдиган ота-оналар ҳам бахтсиз. Шунингдек, ота-онани эзугим қиладиган болалар ҳам бахтсиз. Аммо сўбат кўнгилдан эмас, шунчаки, гаплашиб ўтириш учун ўтказиладиган оилани ҳам бахт-**



ли деб бўлмайди. Мулоқот фарзанд — фарзандлигича, ота-она эса — ота-оналигича қолган ҳолларда, улар ўртасида ҳурмат ва ишонч бўлгандагина руй беради".

Мустақилликда ўтган йигирма йил ичида Ватанимизда эришилган оламшумул муваффақият ва ютуқларни дунё тан олмақда. Бу бизга гурур бағишлаши, шубҳасиз. Айни пайтда, Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида алоҳида таъкидлаб ўтганидек, "Биз мамлакатимизда барқарор ривожланишнинг эркин итисодиётга асосланган очик ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини сўзда эмас, амалда энг олий қадрият бўлган, жаҳонда ҳурмат-эҳтиром қозонган жамиятнинг шакллантиришга қаратилган узоқ ва машаққатли йўлнинг фақат бир қисмини босиб ўтганимизни ўзимизга яхши тасаввур этишимиз лозим".

Дарҳақиқат, бизни олдинда янги-янги муваффақиятлар билан бир қаторда янги-янги синновлар, қурашлар кўтаётгани, шубҳасиз: Зеро, тез ўзгариб бораётган дунё билан ҳамқадм бўлиб яшаш осон эмас. Юртбошимиз раҳнамоллигида ҳаётиимизга татбиқ этилган беш тамойилга асосланган тараққиёт

модели ҳали кўп йиллар кўпчиликнинг ҳайрат ва ҳавасини уйғотадиган натижаларга олиб келаверишига эса ишончимиз қолмайди. Бу бизга гурур бағишлаши, шубҳасиз. Айни пайтда, Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида алоҳида таъкидлаб ўтганидек, "Биз мамлакатимизда барқарор ривожланишнинг эркин итисодиётга асосланган очик ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини сўзда эмас, амалда энг олий қадрият бўлган, жаҳонда ҳурмат-эҳтиром қозонган жамиятнинг шакллантиришга қаратилган узоқ ва машаққатли йўлнинг фақат бир қисмини босиб ўтганимизни ўзимизга яхши тасаввур этишимиз лозим".

Дарҳақиқат, бизни олдинда янги-янги муваффақиятлар билан бир қаторда янги-янги синновлар, қурашлар кўтаётгани, шубҳасиз: Зеро, тез ўзгариб бораётган дунё билан ҳамқадм бўлиб яшаш осон эмас. Юртбошимиз раҳнамоллигида ҳаётиимизга татбиқ этилган беш тамойилга асосланган тараққиёт

ўзининг туб мақсади деб белгилади, ижтимоий адолат тамойилларини эълон қилди". Мана шу баёнотнинг ўзиданоқ шўро даврининг гайринисоний мафқураси абадул-абад қайтмас бўлиб, тарих чикиндихонасига иргитилганини ва у кунлар кўрқинчи туш каби ёддан чиқа бошлаганини илғадим.

Шубҳасиз, фақат Инсонни азиз ва муқаррам деб билган мустақиллик туйғулари бундай телба-тесқари назарияларнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият мужассам. Чунки оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарор".

Юртбошимизнинг бу сўзларини эшитарканман, яна бир бор инсонпарвар, фуқаро манфаатлари биринчи ўринга қўйилган жамиятда яшаётганимга шўқроналар айтдим. Президентимиз маъно-моҳият маросимдаги "Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнини изчил давом эттириш йўлидир" деб номланган маърузасида яна бир улкан бир ҳақиқатни алоҳида қайд этиб ўтди: **"Конституциямиз инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг эркинликлари давлат манфаатларидан устулигини мустаҳкамлади, одамларимиз учун муносиват ҳаёт шароити яратишни**

ни қариялар уйларида ўтказмоқдалар. Энг ажабланишли томони, айрим ҳолларда бундай турмуш тарзи "оммавий маданият" никоби остида ёшларимизга синдиришга уринилмоқда. Менинг назаримда, Президентимиз алоҳида таъкидлаб ўтганидек, давлат идоралари, нодавлат ва ижтимоий ташкилотлар, хайрия жамғармалари билан биргаликда ишлаб чиқилган махсус дастурда мазкур омиллар ҳам ўз ифодасини топади.

Юртбошимиз ўз маърузасида яна бир масалага эътибор қаратди. Бу ҳам бўлса ёш оилаларни моддий-маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, улар учун яратилган кўмак, имтиёз ва имкониятларни янада кенгайтириш, уй-жой билан таъминлаш. Президентимиз Ислам Каримовнинг "Буларнинг барчаси учун нафақат ота-оналар, биринчи навбатда давлат ва жамиятимиз масъулдир", деган сўзлари, фикримча, бу борада юритилаётган сиёсат учун, сизу биз, ҳаммамиз учун дастуриламал вазифасини ўтайди.

Яна ҳазрат Навоийнинг гурҳимат байтларидан бирини эслашимиз:

Нафийнг агар халққа бешак эрур, Билик бу наф ўзинга кўпрак эрур.

Ҳа, халқимизга яхшилик қилайлик, оилалар мустаҳкам бўлиши учун қўлимиздан келган гайрат-шижоатимизни аямайлик. Алал-оқибат бу саъй-ҳаракатларимиз ўзимизга ўн баробар, юз баробар кўп бўлиб қайтади, бундан ўзимиз наф қўраимиз, бундан жамиятимиз наф қўради. Зеро, Президентимиз ўқитиб ўтганидек, "Ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етуқ, ўз мустақил фикрига эга, оқини қорадан ажратишга, тараққиқ топган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашишга қодир бўлган баркамол авлоднинг тарбиялаш, уларнинг соғлигини асраш, ҳаётга йўлашда оиланинг ўрнини ҳеч нарса билан баҳолаб бўлмаслигини" биз жуда яхши англаб-тушуниб туришимиз. Бу йўлда Юртбошимизга камарбаста бўлиб меҳнат қилиш эса ҳаммамизнинг ва ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Абдували СОЙИБНАЗАРОВ.

Демократик ислохотларни чуқурлаштиришда

сиёсий партиялар фаолиятининг конституциявий кафолатлари

Давоми. Боши 1-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси асосида парламентимиз томонидан 2007 йилда қабул қилинган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонун биринчидан, жамиятимиз ҳаётида ижтимоий ва сиёсий фаолият ҳамда жамоатчилик назоратини оширишга, иккинчидан, кенг қўламли ислохотларни ҳамда сиёсий, иқтисодий ва гуманитар қурилишнинг мақсадли вазибаларини бажаришда, ижро этувчи ҳокимият томонида ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда сиёсий партияларнинг ташаббускорлиги, роли, таъсири ҳамда масъулиятини кучайтиришга, учинчидан, ҳокимиятнинг вакиллик ва ижро этувчи органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг фаол иштироки учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитларни таъминлашга, **тўртинчидан**, ҳукумат тузилмаларининг, марказдаги ва жойлардаги давлат ҳокимият органларининг мамлакат парламентидан ўз вакилларига эга бўлган сиёсий партиялар, маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳлари олдидан ҳисоб беришни белгилаб берадиган ва таъминладиган самарали механизмлар яратилишининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Шу нуқтаи назардан, парламент палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда қабул қилинган қўша мажлисида Юртбошимиз томонидан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, мамлакатда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ҳуқуқ ва имкониятларини янада кенгайтириш бўйича ҳам тарихий, ҳам концептуал аҳамиятга эга бўлган қонунчилик ташўбуслар илгари сурилди. Мазкур ташаббуснинг амалга ошириш натижасида 2011 йил 18 апрелда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар қилиш тўғрисида" (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши муҳим тарихий воқеа бўлди. Ушбу Қонун сиёсий

партиялар фаолиятини сезиларли даражада кенгайтириб, уларнинг ижро ҳокимиятига нисбатан таъсирироқ қилди.

Ушбу ислохотлар натижасида мамлакатимизда "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" концепцияси изчил ҳаётга татбиқ этилиб, жамият ва давлат ҳаётида парламентнинг ваколатлари ва ижро ҳокимияти устидан назорат функцияси кенгайтириш, сиёсий партияларнинг социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни амалга оширишда, мамлакат тақдирига, ижтимоий-сиёсий жараёнларга бутун бошли ижро ҳокимияти тизими вертикалига таъсир қилиш имконияти кескин ошишига имкон яратилмоқда.

Сиёсий партиялар бир томондан парламент қўйи палатасида фракциялари орқали ҳукумат фаолиятини назорат қилиш имконига эга бўлсалар, иккинчи томондан, ҳукумат олиб бораётган сиёсат учун сиёсий масъулиятни, керак бўлса жавабгарликни зиммаларига олишлари ҳам тақозо этади. Бу шунинг асосида, сайловолди дастури ақсарити сайловчилар ишончини қозонган сиёсий партия парламент қўйи палатасида кўпчилик ўринини эгаллашганидан сўнг, мазкур электорат қўллаб-қувватлаган дастуриларидан партия гуруҳлари олдидан ҳисоб беришни белгилаб берадиган ва таъминладиган самарали механизмлар яратилишининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Шу нуқтаи назардан, парламент палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда қабул қилинган қўша мажлисида Юртбошимиз томонидан илгари сурилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да сиёсий партияларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, мамлакатда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ҳуқуқ ва имкониятларини янада кенгайтириш бўйича ҳам тарихий, ҳам концептуал аҳамиятга эга бўлган қонунчилик ташўбуслар илгари сурилди. Мазкур ташаббуснинг амалга ошириш натижасида 2011 йил 18 апрелда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар қилиш тўғрисида" (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши муҳим тарихий воқеа бўлди. Ушбу Қонун сиёсий

Мухтабар ХУСАНОВА,
Алишер НАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари Амалдори қонун ҳужжатлари мониторингинг институти етакчи илмий ходимлари.

Тафаккур сарчашмаси

Давоми. Боши 1-бетда

Юртимизда ёш олим ва мутахассисларнинг ижодий ҳамда инновацион имкониятлардан самарали фойдаланишининг барча зарур ҳуқуқий, ташкилий, институционал, моддий-техник, молиявий ва инфорацион шарт-шароитлари яратилган. Бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтириш мақсадида Кенгашимиз томонидан ёш олимларнинг илмий ва инновацион фаолиятини ривожлантиришнинг 2015 йилгача мўлжалланган Стратегияси ишлаб чиқилди. Мазкур дастур ёш олимларимиз ва мутахассисларимизнинг фаол иштирокида амалга оширилиб, унга киритилган муаммоларнинг тўлақонли ечими ҳамда бугунги кун ва яқин келажак талабларига жавоб берадиган янги инновацион тараққиёт даражасига эришишга хизмат қиладиган фан ва таълим тизимининг мукамал бошқаруви олдидан аниқ тасвиялар ишлаб чиқилишини кўзда тутди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур Стратегияни амалга ошириш жараёнида бир қатор вазибаларни комплекс тарзда ечишга эришишни мақсад қилганмиз. Хусусан, ёш олимлар ва мутахассислар, олий ўқув юртлири магистр ва бакалаврлари, шунингдек, профессионал коллеж ва академик лицейларнинг чуқурлаштирилган инновацион таълим олган битирувчилари фаолиятини янада ривожлантириш Концепцияси, Ўзбекистонда фанни ривожлантириш Доктринаси, Республика ёш олимлари кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги устав, 2011-2015 йилларга мўлжалланган "Ўзбекистон Республикасининг Ёш олимлар ва илмий педагогик кадрлари" мақсадли дастури шулар жумласидандир. Стратегия давлат, илмий муассасалар, олий таълим, халқ таълими, ишлаб чиқариш, кичик ва хусусий бизнес, шунингдек,

фуқаролик жамияти институтлари саъй-ҳаракатларини мамлакатимиздаги фан ва инновациялар соҳаларининг барқарор тараққиётига мақсадли йўналтиришга қаратади. Бугунги кунда илмий изланишлар ва уларни амалиётга татбиқ этиш кўп ҳолларда тадбиркорлар ҳамда ишлаб чиқарувчиларнинг янги технологияларга бўлган талаб-исhtiакларини қаноатлантирмапти. Айни пайтда ақсар ҳўжалик юртуручи субъектларнинг илмий-амалий янгиликларга эҳтиёжи унчалик катта эмас. Дастур юзига келган ушбу вазиятни ижобий томонга ўзгартиришга хизмат қилади.

Алоҳида қайд этиб ўтиш керак, кейинги йилларда технология инновациялар, асосан янги технологиялар, машина ва жиҳозлар харид қилиш мақсадида ишлатилаётган давлат бюджет маблағлари сарфи ортиб бормоқда. Бошқа томондан олиб қараганда, 2006-2010 йилларда Фанлар Академияси илмий муассасалари томонидан бажарилган инновацион лойиҳалар миқдори 3,1 баробар кўпайди, уларни молиялаштириш эса 6,7 баробар ошди.

Фанлар Академияси томонидан ёш олимлар ва мутахассисларнинг инновацион лойиҳаларида фаол иштирок этишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунга келиб фундаментал ва амалий илмий тадқиқотлар лойиҳаларида иштирок этаётганларнинг 20 фоиздан ошгани ёш олимлар ташкил этади. Бундан ташқари, ёш олимлар томонидан ишлаб чиқилган илмий-техник лойиҳаларнинг танловлари ҳам мунтазам ўтказилиб турилибди. Жумладан, 2007-2011 йиллар мобайнида ёш олимларнинг 25 та илмий лойиҳаси молиялаштирилди. Битта лойиҳанинг ўртача қиймати 8 миллион сўмдан кўпроқни ташкил этди.

2006-2010 йиллар мобайнида Ўзбекистон Фанлар Академияси илмий муассасаларида

иктидорли ёш кадрларни тайёрлаш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди. 2008 йилда Академия аспирантурасига қабул қилинувчилар сони 1,5 баробарга оширилди. Бундан ташқари, мазкур аспирантурада хорижий мамлакатлардан келган 14 нафар мутахассис шартнома асосида таълим олди.

"Баркамол авлод йили" бўлган 2010 йилда эса фанга иктидорли ёшларни жалб этиш янада кенроқ тус олди. Давлат дастурига асосан танлов асосида инновацион тадқиқотлар ва янги технологиялар ишлаб чиқиш бўйича Академиямизнинг етакчи илмий муассасалари ва мамлакатимиз университетларида соҳаларга ёшлар илмий лабораториялари ташкил этиш кўзда тутилган. Фанлар Академиясига бундай лабораторияларни ташкил этиш бўйича ўндан ортқ тақлиф тушди. Бугунги кунга келиб бундай лабораториялардан иккитаси ташкил этилди: ЎзФА энергетика ва атоматика институти қошида энергетика, энергия таъминоти ва янгиланаётган энергия манбалари муаммолари лабораторияси, ЎзФА генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти қошида биотехнологиялар ва пахта ген инженерияси лабораторияси. Мазкур лабораторияларда бугунги кунда режалаштирилган илмий изланишлар ҳамда тадқиқотлар олиб борилмоқда. Яқин вақт ичида эса ёш олимларимиз учун яна ўнга яқин бундай лабораторияларни ташкил этишни мўлжаллаб турибмиз. Шунингдек, бундай ёшлар илмий лабораторияларини хорижининг замонавий ускуна ва жиҳозлари билан таъминлаш, иктидорли олимларни таълим олиш, янги технологияларни ўзлаштириш учун чет эл илмий марказлари, университетлари ва фирмаларига юбориш мақсадида валюта маблағлари ҳам ажратиш кўзда тутилмоқда.

2008 йилдан бошлаб ҳар



йили мунтазам равишда ўтказиб келинаётган Инновацион гуялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркасида ёш олимлар, тадқиқотчилар фаол иштирок этишмоқда. Бу тадбирларда ёш олимларнинг энг яхши лойиҳалари махсус мукофотлар билан тақдирланмоқда.

Шу йилдан ёш олимлар Кенгаши ташаббуси билан махсус илмий журнал чоп этила бошлади. Журналнинг дастлабки сонидеяк ярмаркаларда намоён этилган қўллаб лойиҳаларнинг илмий-амалий натижалари ҳамда ёш олимларимизнинг фундаментал ва амалий тадқиқотлари борасида мақолалар эълон қилинди.

Бугунги кунимизнинг муҳим вазибаларидан бири шуки, таълим тизимимизга ўз ихтисосликлар билан бир қаторда инновацион технологияларни, инновация жараёнларини ташкил этишни, компьютер техникаси ва замонавий коммуникация воситалари имкониятларидан кенг фойдаланишни яхши биладиган, тадбиркорлик ва бизнес соҳасида муайян кўникмаларга эга кадрларни етказиб берадиган шарт-шароитлар яратилиши лозим.

Ишлаб чиқилган дастуриимизда фан ва инновацияларни ривожлантириш соҳасида кўзда

тутилган мақсадларни амалга ошириш учун иккита босқични белгилаб олганмиз. Биринчи босқич 2011-2012 йилларга мўлжалланган бўлиб, илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш, оптимал ислохотлар, инновация-инвестиция муҳитига таъсир кўрсатадиган институтлар фаолиятини мувофиқлаштириш, уйғунлаштириш ва ривожлантириш вазибаларини қамраб олган. Бу босқичдаги режалар ҳозир амалиётга кенг татбиқ этилмоқда. Жумладан, инновация, фан ва таълим соҳасидаги хориж тажрибасидан фойдаланган ҳолда мамлакатимиз пойтахтида илк бор Буюк Британиянинг Кембриж университети иштирокида юқори технологиялар Маркази ташкил этилди.

2013-2015 йилларга мўлжалланган иккинчи босқичнинг энг муҳим вазибаларидан бири эса мамлакатда замонавий яхлит инновация тизимини яратиш, йирик инновация лойиҳаларини амалга ошириш ва инновацион махсулотларимиз билан жаҳон бозорига чиқишидир.

Юқорида айтилганлардан қисқача хулосага келиш мумкинки, иктидорли ёш олимларнинг, мутахассисларнинг, олий ўқув юртлири битирувчиларининг изланишлари, тадқиқотлари юртимизнинг илмий ва инновацион имкониятлари, салоҳияти тобора ошиб бораётганини кўрсатмоқда. Бу эса, шубҳасиз, илм аҳлига Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган доимий ҳамўрлик ва эътибор натижасидир. Юртбошимиз алоҳида таъкидлаб ўтганидек, "Интеллектуал ва маънавий бойликка эга бўлган халқ ва миллат, ҳеч шубҳасиз, ҳақли равишда бугунги ва эртанги кунга эгаллик қила олади".

Сайдулло ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон Фанлар Академияси ёш олимлар Кенгаши раиси, юридик фанлари доктори, профессор.

ГАЗдан фойдаланишда эҳтиёт бўлиш!

Сўнгги вақтларда республикамиз ҳудудида табиий газдан ноқонуний фойдаланиш, айниқса, айрим фуқаролар томонидан иссиқхона, новвойхона, сомсохона ва бошқа юмушларни ишлатиш учун табиий газни тегишли ташкилотлардан рухсатнома оли, мақсадан, ўзбошимчилик билан улаб олиш ҳолатлари учраб турибди. Бу эса турли ноҳус ҳодисалар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 июлдаги "Республика иқтисодиёти тармоқларини 2011/2012 йил куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини ижро этиш ҳамда табиий газдан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари олдини олиш мақсадида ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари, ҳокимият, прокуратура, солиқ инспекцияси, газ идоралари ҳамда жамоатчилик вакиллари билан биргаликда ўзбошимчилик билан газ қувурига улашиб олиш, қойдага зид


равишда ишлатилаётган ясама мосламалардан фойдаланиш ҳолатларини аниқлаб, уларни бартараф этиш ва келиб чиқадиган кўнгилсизликларга йўл қўймастик мақсадида 2800 маротаба қўша рейдлар ўтказилиб, 20 434 та қорхона ва ишлаб чиқариш масканлари, 962 минг 511 та фуқаролар яшаш уйлари ва 11 713 та кўп қабатли уйлар, 11 200 та газ тақсимлаш пунктлари текшириб, ўрганиб чиқилди. Аниқланган камчиликлардан 3 380 таси жойида бартараф этилди.

Яна бири нарсани таъкидлаб ўтиш керакки, жорий йилнинг ўтган 11 ойи мобайнида республикамиз ҳудудида содир бўлган ёнгинлар 11459 тани ташкил этган ҳамда уларнинг 77,2 фоизи аҳоли туғрар-жойларига тўғри келган. Демак, олди олинмас, йиллар давомида меҳнат қилиб кўтарилган уйлар ва молу мулкларга санокли даққалар ичида йўқ бўлиб кетиши ҳеч гап эмас. Ўзини оқибатида ёниб қолган уйларда қилиш қировли қунларда уй эгалари бошпанасиз қолмоқда. Шу боис, оловдан мақсадли, тўғри фойдаланиш ўз ҳаётимиз кафолатидир.

М.САИДОВ,
ЎзР ИИБ ЁХББ ЁТЛ муҳандиси, лейтенант.

«Шўртаннефтьгаз» УШК: қўрли, оловли йўллар

Ифтихор



Реклама ўрнида

Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов шу йил 30 ноябрь куни халқ депутатлари Қашқадарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида:

«Қашқадарё деганда, барчамиз гўзал ва бетакорор бир ўлкани, мана шу заминга меҳр ва садоқат билан яшаётган, меҳнат қилаётган бағрикенг, аزمи қатъий инсонларни ўзимизга тасаввур этамиз. Бу заминнинг ер ости ва ер ўсти бойликлари, ғалла ва пахта етиштириш бўйича республикамизда етакчи ўринда туриши бугунги кунда юртимизда қазиб олинадиган табиий газнинг 88 фоизи, нефтнинг 93 фоизи аини шу вилоят ҳиссасига тўғри келиши шундай деб айтишга тўла асос беради» — дея фахр билан таъриф берганди.

Аслини олганда, яна Президентимиз таъбири билан айтганда: **«Айни вақтда бу қадимий ва навиқрон дёбнинг энг катта бойлиги, ҳеч шубҳасиз, унинг ҳаёт синовларида тобланган, бағрикенг, мард ва ориятли халқидир».**

Ана шу бағрикенг, мард ва ориятли халқ ғайрат-шижоати билан Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги, давлатимиз Конститу-

янги тармоқлар тезкор суръатлар билан ривожланаётгани, шубҳасиз, ҳар бир ватандошимизда катта ифтихор туйғуларини тугдиради.

УЧ ЧОРАК ЯКУНЛАРИ

Биргина, «Шўртаннефтьгаз» УШК — унитар шўъба корхонасининг 2011 йил 9 ойлик техник иқтисодий кўрсаткичлари ҳақида



циясининг 19 йиллиги кенг нишонланган жорий йилда вилоятда янги ҳудудий маҳсулот ҳажмининг ўсиши 8 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Саноати ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва маҳсулот турларини кўпайтириш борасида катта ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда қабул қилинган саноат корхоналарини модернизация қилиш ва технологик қайта жи-

ҳқоя қилувчи мана бу маълумотномага эътибор беринг:

«Корхонанинг асосий фаолияти — табиий газ, газ конденсати ва нефть маҳсулотлари қазиб чиқариш ҳамда табиий газни қайта ишлашдан иборат. Бу ерда асосан 5 турдаги: яъни, табиий газ, нефть, конденсат, суолтирилган газ ва олтингургурт маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, улар асосий истеъмолчиларга «Узтрансгаз»

Нефть қазиб чиқариш 203,836 минг тоннани ташкил қилди. Ўтган йилнинг шу даврида 151,9 минг тонна бўлиб, бу кўрсаткич ҳам қиёсан — 51,9 минг тонна зиёддир. Ўсиш суръати 134,2 фоизга етди.

Барқарорлашмаган конденсат — 341,8 минг тонна олинган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,0 минг тонна ортиқни ташкил этди. Ўсиш суръати 101,8 фоиз.

Суолтирилган газ — 69,015 минг тонна, олтингургурт 4,371 минг тоннага етди.

Корхонада асосий маҳсулотлардан ташқари халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 415,376 миллион сўмлик ҳажмида бўлди ёхуд ўтган йилга солиштирганда 196954 минг сўмлик кўп шу тур маҳсулотлар тайёрланди.

ҳозлаш дастури доирасида вилоятда кейинги тўрт йил мобайнида ёқилги-энергетика, кимё, енгил ва озиқ-овқат саноати соҳаларида жадал ўсиш жараёнлари кузатилди. Айниқса, вилоят иқтисодиётига киритилаётган инвестициялар салмоғи йилдан-йилга ортиб бораётгани гоят эътиборлидир. Бу ҳақда гапирганда, Муборакнефтьгаз, Муборак нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртаннефтьгаз, Шўртангаз-кимё, Кўкдумалоқгаз, Деҳқон-обод калийли ўғитлар заводи, Толлимаржон иссиқлик электр станцияси каби нафақат юртимизда, балки бутун минтақамизда ҳам энг йирик ҳисобланган саноат корхоналарида амалга оширилган катта-катта инвестиция лойиҳаларини эслаб ўтиш kifоя.

АК, конденсат ва нефть эса ФНКИЗ орқали жўнатилади. Хуллас, яқунланаётган йилмизнинг ўтган уч чораги давомида ишлаб чиқарилган асосий маҳсулотларни рақамларда кўрсатадиган бўлсак:



Вилоятда ҳозирги кунда нефть, газ ва конденсатдан кенг фойдаланиш билан бирга кимё маҳсулотлари, калийли ўғитлар ишлаб чиқариш каби

Табиий газ ишлаб чиқариш миқдори 11862 млн. куб метр бўлди. Таққос учун — ўтган йилнинг шу даврида эса 11799 млн. куб метр табиий газ қазиб чиқарилганди. Демак, бу йилги кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 63,0 млн. куб метр кўп бўлиб, ўсиш суръати 100,5 фоиз бажарилди.

Нефть қазиб чиқариш 203,836 минг тоннани ташкил қилди. Ўтган йилнинг шу даврида 151,9 минг тонна бўлиб, бу кўрсаткич ҳам қиёсан — 51,9 минг тонна зиёддир. Ўсиш суръати 134,2 фоизга етди.

Барқарорлашмаган конденсат — 341,8 минг тонна олинган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,0 минг тонна ортиқни ташкил этди. Ўсиш суръати 101,8 фоиз.

Суолтирилган газ — 69,015 минг тонна, олтингургурт 4,371 минг тоннага етди.

Корхонада асосий маҳсулотлардан ташқари халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 415,376 миллион сўмлик ҳажмида бўлди ёхуд ўтган йилга солиштирганда 196,954 минг сўмлик кўп шу тур маҳсулотлар тайёрланди.

Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш режаси 103,4 фоиз (10,691 миллион сўмлик ҳажмида) бажарилди. Бу — 2010 йилга қараганда аҳолига 1590 минг сўмлик кўп хизмат турлари кўрсатилди, дегани.

Корхонада тизим (структура)лар сони 41 та: шундан: ишлаб чиқаришга тааллуқлиси — 33 та, ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаганлари — 8 та.

Ишловчилар сони йил бошида ўртача 4057 нафар кишига режалаштирилган бўлса, амалда ўтган йилга нисбатан 43 нафар кўп ишчи кучидан фойдаланилди. Бу — 43 та янги иш жойлари яратилганидан дарак.

МИНГ БОР ЭШИТГАНДАН — БИР БОР КўРГАН ЯХШИ

Маълумотнома кўрсаткичлари билан танишар эканмиз, халқимизнинг «минг бор эшитгандан — бир бор кўрган яхши» деган нақлини эслаб, «Шўртаннефтьгаз» мажмуасини кўришни ниъат қилдик. Қаршидан мажмуа томон отланиб, йўл-йўлақай фикр ўйимизни мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига камарбаста корхона жамоасининг олқишга сазовор ишлари ҳақида ёзмоқчи бўлган хижатларга қаратдик.

Ойнадек текис, раван йўл бизни мажмуа томон олиб бормоқда. Чор атраф бийдай дашт. Теварагимизда қўйлар, подалар сурувлари, отлар уюрлари. Узоклардан газ машалалари кўриниб турибди. Манзилга етиб ҳам қолдикки, бояги чўл ва дашт кўринишларидан асар ҳам қолмади. Йўлнинг икки томони дарахтзор, ободонлаштирилган, кўкаламзорлаштирилган маскан. Олисдан кўзга мовий сунъий денгиз чайқалиб тургани кўринади...

Ялт этиб яна Президентимизнинг Қашқадарё вилояти ҳақида бундан тўрт йил муқаддам халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида айтган бир сўзи ёдимизга тушди: **«Қашқадарё — мамлакатимизнинг кўндан-кўп захиралари жойлашган ҳудудлардан бири, улкан имкониятларга эга бўлган, гўзал ва бетакорор, Аллоҳнинг назари тушган макондир. Ва ўз юртини**

обод этиб, шу воҳага садоқат билан яшаётган мард ва жасур инсонлар Ватандир».

Ана шу инсонлар мустақилликда ўтган ҳаётимизнинг 20 йили мобайнида давлатимизнинг иқтисодий қудрати тобора ўсиб бораётганлиги туфайли энг мураккаб ва катта маблағ талаб қиладиган дастур ҳамда лойиҳаларни йил сайин муваффақият билан амалга ошириш имконига эга бўлдилар. Жумладан, «Шўртаннефтьгаз» унитар шўъба корхонаси худди шундай мураккаб ва катта маблағ талаб қилган ёнилги энергетика мажмуаларидан бири бўлди.

Қолаверса, истиқлол шарофати билан соҳада вилоят бўйича яна бир қатор йирик лойиҳалар амалга оширилдики, уларни бирма-бир санаб ўтиш, сўзсиз жоиздир. Масалан, 2001 йилда «Шўртангаз-кимё» мажмуаси, 2005 йилда «Кўкдумалоқгаз» ва 2007 йилда «Хисорнефтьгаз» Ўзбекистон — Швейцария қўшма корхоналари ва «Толлимаржон ГРЭС»-ининг биринчи блоқи ишга туширилди. Бугунги кунда улар томонидан ишлаб чиқарилаётган асосий маҳсулотлар қатори халқ истеъмоли маҳсулотларининг ҳам 60 фоиздан зиёди Польша, Венгрия, Литва, Латвия, Туркия, Эрон, Покистон, Хитой, Украина, Россия, Озарбойжон ва Қозғоғистон давлатларига экспорт қилинмоқда. Айни кезда вилоят бўйича мамлакатимизда пахта саноати, пластмасса, плёнка, кабель тайёрлаш ва қадоклашда ишлатиладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми кескин ошди. Хусусан, «Шўртаннефтьгаз» УШКнинг натижадор фаолияти билан республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши таъминланди.

«Шўртан-18» ва Жанубий Тандирчи худудларида газ конларини кенгайтириш ҳисобига ҳар бир кондан йилга 4 миллиард куб метр табиий газ ишлаб чиқариш имконига эришилди. Шимолий Нишон, Камаша, Бешкент, Ғузор ҳамда Шакарбулоқ худудларидаги ўзлашти-

Корхонада кириб келаётган 2012 йил — «Мустақам оила йили» деб ном олгани муносабати билан жамоа ишчи-хизматчилари оилаларини, айниқса, ёш оилаларни ҳар қачонгидан кўпроқ янги уй-жойлар билан таъминлаш, уларни ишга жойлаштириш, касбга йўналтириш, ўз бизнесларини йўлга қўйиш, турли масалаларда ҳуқуқий, иқтисодий, бизнес маслаҳатлари уюштириш, ўзларига хос ва ўзларига мос йўналишлардаги ижодкорликларини қўллаб-қувватлаш, иқтидорларини юзага чиқаришга қўмаклашиш каби эзгу-орзулар режага олинмоқда. Ёш авлодга Президентимиз асарларини ўрганишда, миллий ғояга садоқат, Мустақилликка фидойилик каби хислатларни сингдиришда бекиёс ўрин тутувчи марказлар ташкил этиш мўлжал қилинмоқда.

рилиши қийин бўлган жойларда нефть ва газ қидирув ишлари бошлаб юборилди. Биргина мисол: жорий йилда вилоятнинг аксар туманларида экспортнинг энг юқори параметрлари қайд этилди. Булар асосий сабаб — «Шўртаннефтьгаз» мажмуаси ва Муборак ГЎК маҳсулотларининг экспорт қилиш ҳажми ўсганлигидир.

«Шўртаннефтьгаз» УШК томонидан мамлакатимиз вилоятларига етказиб берилган нефть-газ маҳсулотлари кўрсаткичлари салмоғи, айниқса, диққатга сазовордир. Чунончи, суолтирилган газ маҳсулот ҳамми биргина шу йилнинг октябрь ойида жами 6213,28 тонна (солиштирма оғирлиги 100 фоиз)ни ташкил этиб, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларига (тегишли равишда) 1318,65, 1935,02, 1133,69 тонна узатилди. Шунингдек, Тошкент шаҳри, Хоразм, Андижон, Фарғона, Бухоро, Навоий каби қатор вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасига узатилган шу турдаги газ маҳсулотлари залворини ҳам салмоқли бўлди.

ҲАР БИР ИНСОН АРДОҚДА, ЭЪЗОДА

«Шўртаннефтьгаз» УШКнинг камолоти ва унинг йиллар оша эришаётган ютуқлари замирида унинг катта-кичик жамоаларида сидқидилдан тер тўкаётган юзлаб, миңлаб инсонлар меҳнати ётибди. Такрор бўлсада, таъкидлаш лозим, бу муваффақиятларда юқорида келтирилганидек, давлатимиз раҳбари таърифи билан айтганда **«Ҳаёт синовларида тобланган, бағри кенг, мард ва**



ориятли халқ» вакилларининг қанчалар заҳматли хизмати мустақамдир. Зеро, корхонада уларга яратилган шарт-шароитлар, берилган имтиёзлар, моддий ва маънавий рағбатлар ана шу ютуқлар омилли

нафар ходимнинг унумли меҳнат қилиши учун корхона касаб уюшма кўмитаси етарли шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Жумладан, янгидан иш ўринлари яратиш, унга қишлоқ ёшларини жалб этиш мақсадида эътиборга молик ишлар бажарилди. Корхонамиз қошида тикувчилик цехи ташкил қилиниши натижасида қарийб 70 нафар киши муқим иш жойларига эга бўлишди. Айни пайтда бу ерда ишчи кийимлари, қўлқоп ва гилофлар тикиляпти. Бундан ташқари,

нафар ходимнинг унумли меҳнат қилиши учун корхона касаб уюшма кўмитаси етарли шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Жумладан, янгидан иш ўринлари яратиш, унга қишлоқ ёшларини жалб этиш мақсадида эътиборга молик ишлар бажарилди. Корхонамиз қошида тикувчилик цехи ташкил қилиниши натижасида қарийб 70 нафар киши муқим иш жойларига эга бўлишди. Айни пайтда бу ерда ишчи кийимлари, қўлқоп ва гилофлар тикиляпти. Бундан ташқари,

олинди. Бу ерда ҳам худди ана шундай замонавий уй-жойлар қад ростлаяпти. Шунингдек, Шаҳрисабз туманининг Мирқоқи кўрғонидида етти гектарлик майдонда дам олиш маскани барпо этилган.

Жамоамиз туманда тиббиёт муассасалари учун замонавий бинолар қуришда фаол иштирок этмоқда. Ғузор тумани марказий шифохонаси қошида поликлиника қуриб, ишга туширилди. Озиқ-овқат моллари билан савдо қилувчи дўконлар янги биноларига эга бўлди. Бир сўз билан айтганда, корхонамизда ҳар бир инсон ардоқда, эъзозда...

Касаба уюшма кўмитаси раиси сўзларига қўшимча қилиб, шуни айтиб ўтмоқ лозимки, корхонада кириб келаётган 2012 йил — «Мустақам оила йили» деб ном олгани муносабати билан жамоа ишчи-хизматчилари оилаларини, айниқса, ёш оилаларни ҳар қачонгидан кўпроқ янги уй-жойлар билан таъминлаш, уларни ишга жойлаштириш, касбга йўналтириш, ўз бизнесларини йўлга қўйиш, турли масалаларда ҳуқуқий, иқтисодий, бизнес маслаҳатлари уюштириш, ўзларига хос ва ўзларига мос йўналишлардаги ижодкорликларини қўллаб-қувватлаш, иқтидорларини юзага чиқаришга қўмаклашиш каби эзгу-орзулар режага олинмоқда. Ёш авлодга Президентимиз асарларини ўрганишда, миллий ғояга садоқат, Мустақилликка фидойилик каби хислатларини сингдиришда бекиёс ўрин тутувчи марказлар ташкил этиш мўлжал қилинмоқда.

Мақоламиз сўнггида, «Шўртаннефтьгаз» унитар шўъба корхонаси ҳақида кўнглимизга келган таърифу таъбирни сир тутмасликни жоиз кўрдик. Шўртан нефти, Шўртан гази — она заминимиз қаъри бизга туҳфа этган бамисоли кўр ёхуд оловдир. Бу кўр, бу олов истиқлол йилларида заминимиз бағридан чиқиб, наинки юртимиз, балки Марказий Осиё, МДХ, қолаверса, дунё мамлакатлари узра йўл олмақда. Бу йўл — «Шўртаннефтьгаз»нинг қўрли, оловли йўллари, дейишга молик.

Қаҳрамон Қўлдошев, «Adolat» муҳбири.

Корхонанинг кучи билан Ғузор тумани марказида кенг қўламли қурилиш, ободончилик ишлари олиб борилаяпти. Марказий стадион қайта таъмирланди. Шунингдек, бу ерда болалар спорт мажмуи ишга тушди. Очқ сув ҳавзаси қурилиши фойдаланишга топширилди.

Қишлоқда замонавий турар-жой бинолари барпо этиш соҳасида ҳам кенг қўламли ишлар олиб борилаяпти. Ғузор туманининг Қорқўмди қишлоғида 36 та уй-жой бинолари қалити ўз эгаларига топширилди. Жамоамиз ходимлари учун бунёд этилган бу имкониятларга корхонамиз 50 фоиз тўловни ўз ҳисобидан амалга оширди. Бундан ташқари, Қарши туманидан ҳам етти гектар ер

Тошкент давлат техника университети томонидан Хакназаров Шерзод Журкулович номига берилган 2009 йил (1300-руйхат рақами) в №037647 рақамли имтиёзли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Газетанинг 51-сон 4-саҳифасидаги «Ғузурлар ҳимоя ва ҳамийликда» сарлавҳали мақолада техник сабабларга кўра, иккита муаллифнинг исми-шарифи келтирилган. Мазкур мақола муаллифи Нишуфар Раҳмонқуллова, ТДЮИ ўқитувчиси деб ўқилсин.

ADOLAT ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ газета

Муассас: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Баш муҳаррир: Худойёр МАМАТОВ
Баш муҳаррир биринчи ўринбасари: Абдували СОЙИБНАЗАРОВ (Нашр учун масъул)

Бўлимлар: Партия ҳаёти ва парламент фаолияти бўлими — 236-57-14; Маданият, ахборот, спорт ҳамда халқаро шикоятлар билан ишлаш бўлими — 236-54-39; Телефонлар: қабулхона — 236-53-14, 233-40-86 (факс); котибият — 233-41-89.

Навбатчи муҳаррир — Номоз САЪДУЛЛАЕВ.
Навбатчи — Нурбек АБДУХАЛИЛОВ.

«Adolat»дан кўчириб босиш фақат тахририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

Таҳрират манзили: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. adolat_gazeta@mail.ru

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма — 1200. Ҳажми — 2 босма табак. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 3675. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 22.00

1 2 3 4 5

НАШР КўРСАТКИЧИ: 100 ISSN 2011-5217